

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПИКОВИТ®

**Препаратнинг савдо номи:** Пиковит®

**Дори шакли:** пастилкалар

**Таркиби:**

1 пастилка қуйидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар:*

А витамини пальмитати концентрати (синтетик мойли шакли) 1,7 млн ХБ/г	0,35 мг
холекальциферол концентрати (мойли шакли 1 млн ХБ/г	0,08 мг
аскорбин кислотаси (С витамини)	10,00мг
тиамин монитрати В <sub>1</sub> витамини)	0,25 мг
рибофлавин (В <sub>2</sub> витамини)	0,30 мг
пиридоксин гидрохлориди (В <sub>6</sub> витамини)	0,30 мг
цианокобаламин 0,1% маннитолда (В <sub>12</sub> витамини)	0,20 мг
никотинамид (РР витамини)	3,00 мг
фолат кислотаси	0,04 мг
кальций пантотенати (В <sub>5</sub> витамини)	1,20 мг
кальций гидрофосфати	43,00 мг

*ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, апельсин мойи 05073, полисорбат 80, глицерол, тозаланган канақунжут мойи, сувсиз лимон кислотаси, сорбитол, глюкоза суюқ (куруқ модда), магний стеарати, капол 600 фарма, суюқ парафин, повидон, кўпикни сўндирувчи восита 1510, сахароза.

**Қизил рангли** 1 пастилка қўшимча Пунц 4R (E124) бўёвчисини сақлайди.

**Сарик рангли** 1 пастилка қўшимча тўқ сарик (E110) бўёвчиси, хинолин сарик (E104) бўёвчиси, титан диоксидини (E171) сақлайди.

**Тўқ сарик рангли** 1 пастилка қўшимча тўқ сарик (E110) бўёвчиси, титан диоксидини (E171) сақлайди.

**Яшил рангли** 1 пастилка қўшимча индиготин кўк (E132) бўёвчиси, хинолин сарик (E104) бўёвчиси, титан диоксидини (E171) сақлайди.

**Таърифи:** қизил, сарик, яшил ва тўқ сарик рангли, думалоқ шаклли, икки томонлама қавариқ пастилкалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** поливитаминлар бошқа минерал моддалар билан мажмуада.

**АТХ коди:** A11AA03.

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### **Фармакокинетикаси**

Мураккаб композиция ва витаминлар ва минералларни, одатда, овқат рациониди бўлиши сабабли, Пиковит® пастилкаларида сақланувчи дозаларда витаминларни текшириш мумкин эмас.

Сувда эрувчи витаминлар (В гуруҳи витаминлари, С витамини ва биотин), организмнинг суткалик эҳтиёжларига тўғри келувчи миқдорларда жуда яхши сўрилади. Ортиқча миқдори сийдик билан, айрим ҳолларда эса ахлат билан чиқарилади. Бу витаминлар организмда чекланган миқдорда сақланади, шунинг учун тўқималарда уларнинг адекват

концентрацияларини саклаб турилиши учун, улар организмга мунтазам тушиб туришлари керак.

Перорал буюрилган ёгда эрувчи А ва D витаминлар, ёғлар бўлганда ингичка ичакда яхши сўрилади. Е витаминини сўрилиши нисбатан катта эмас (дозанинг 25% дан 85% гача) Катта дозаларда ишлатилганда бу витаминлар жигарда тўпланади ва, демак сувда эрувчи витаминларга қараганда токсикроқдир.

Кальций ионлари ингичка ичакда фаол транспорт ва пассив диффузия йўли билан сўрилади. Кальцийнинг 45% плазма оксиллари билан боғланади. Кальцийнинг ортиқча қисми, асосан, сийдик ва аҳлат билан чиқарилади.

Фосфатлар меъда-ичак йўлларида фаол транспорт ва пассив диффузия натижасида сўрилади; плазма, хужайрадан ташқари суюқлик, хужайра мембраналари, коллаген ва суяк тўқимасида тақсимланади. Кўпчилик фосфатлар ингичка ичакда сўрилади ва асосан, сийдик билан чиқарилади.

### **Фармакодинамикаси**

Пиковит® пастилкалари кальций ва фосфор билан бирга витаминлар саклайди.

Витаминлар - юкори биологик ахамиятга эга моддалар бўлиб, организмда кўпчилик биокимёвий жараёнларни бошқаришда иштирок этади. Витаминлар ва минералларнинг организмдаги самаралари, фармакодинамик бўлмай, балки асосан физиологик.

В гуруҳи витаминлари (В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, пантотен кислотаси ва никотинамид) углеводлар, оксиллар ва ёғлар моддалар алмашинувида, шунингдек нерв тизими фаолиятида иштирок этади.

А витамини эпителиал хужайраларнинг ривожланиши ва кўрув пигментининг синтези учун зарур.

D витамини кальций алмашинувини бошқаради ва уни қўллаш суякларни яхши ўсиши ва тишларни минерализацияси имкониятини беради

С витамини темирни сўрилишига ёрдам беради ва организмдаги кўп сонли оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида иштирок этади.

Минераллар организм учун катта ахамиятга эга. Улар бириктирувчи тўқима таркибига киради ёки ферментлар ва гормонларнинг катализаторлари ва компонентлари ҳисобланади. Кальций ионлари кўпчилик ферментларни фаоллаштиради, улар юрак мушаги тонусини бошқарилишида ва нерв импульсларини ўтказилишида иштирок этади, шунингдек хужайра мембраналарини ўтказувчанлигини бошқаради.

### **Қўлланилиши**

Пиковит® пастилкалари жуда ёқимли мазага эга ва энг аввало болалар учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагиларда :

- иштаҳа бўлмаганда;
- мактаб ёшидаги болалар толиққанда;
- жисмоний ривожланиш етарли бўлмаганда (ўсишни орқада қолишида);
- антибиотиклар билан даволашда қўшимча восита сифатида;
- кундалик овқат рациониди витамин препарати сифатида, айниқса кишки ва баҳорги даврларда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга суткада 4-5 пастилка қабул қилиш тавсия этилади.

7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга суткада 5-7 пастилка қабул қилиш тавсия этилади.

Пиковит® пастилкалари ёқимли мазага эга, уларни оғизда тўлиқ эригунича тутиб туриш керак. Препаратни қабул қилиш курси 20-30 кун. Такрорий қабул қилиш курси 1-3 ойдан кейин ёки шифокор тавсияси бўйича ўтказилади.

### **Ножўя таъсирлари**

*Жуда кам ҳолларда (<1/10000)*

– ўта юқори сезувчанлик реакциялари.

*Тез-тезлиги номаълум (мавжуд маълумотлар асосида учраш тезлигини баҳолаш имкони йўқ):*

– терида тошма, эшакеми ва нафас олишни қийинлашиши билан кечувчи оғир аллергия реакциялар (анафилактик реакциялар).

Агар аллергия реакциялар ривожланса, даволашни тўхтатиш ва маслаҳат учун шифокор ёки фармацевтга мурожаат қилиш керак. Оғир аллергия реакция кузатилганда препарат қабул қилишни тўхтатиш ва врач ёки фармацевт билан маслаҳатлашиш зарур.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- фаол моддаларга ва препаратнинг ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик.
- А ва D гипервитаминозларида қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Баъзи дори воситалари билан бирга қўлланилганда (масалан, тетрациклинлар, хинолонлар, холестирамин) кальций ионлари билан ўзаро таъсирлашишга олиб келиши мумкин.

### **Махсус кўрсатмалар**

Агар аллергия реакциялар ривожланса, препарат бекор қилиниши керак.

Сийдик сарик рангга бўялиши мумкин – бу мутлақо безарар бўлиб, препаратда рибофлавинни борлиги билан тушунтирилади.

Бошқа витаминли ва витаминли-минералли ва/ёки минерал препаратлар билан бир вақтда қўлланилганда, шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашиш керак.

Қандли диабетли бўлган пациентлар Пиковит® ни қабул қилишлари мумкин, лекин улар суткалик доза 2,4 г дан 4,2 г гача қанд сақлашини назарда тутишлари керак. Ҳар бир пастилка 0,6 г қанд сақлайди.

Пиковит® пастилкалари 4 ёшдан кичик болалар учун тавсия этилмайди.

*Ҳомиладорлик ва лактация даври*

Ҳомиладор аёллар ва эмизувчи оналар витаминлар ва минералларни шифокор тавсияси бўйича қабул қилишлари мумкин. Пиковит® пастилкаларидаги витаминлар ва минералларнинг дозалари болалар учун мўлжалланган.

*Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири*

Препаратни транспорт воситалари ва механизмларни бошқаришда таъсири ҳақида маълумотлар йўқ.

Препарат болаларни ҳаракатланиш функциясига таъсир қилмайди.

*Айрим ингредиентлари ҳақида махсус маълумотлар*

Пиковит® пастилкалари лактоза, сахароза, глюкоза сорбитол (E420) ва Пунц 4R (E124) бўёвчисини сақлайди.

Фруктозани ўзлаштираолмаслик, глюкоза/галактозани кам сўрилиши ёки сахароза-изомальтоза танқислигини кам учрайдиган наслий шакллари бўлган пациентларга бу препаратни буюриш мумкин эмас.

Пунц 4R (E124) бўёвчи аллергия реакциялар ривожланишини чақириши мумкин.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Пиковит тавсия қилинган дозаларда қўлланилганда интоксикация кутилмайди.

Гарчи дозани ошириб юборилишининг ривожланиш хавфи минимал бўлса ҳам, узоқ муддат жуда катта дозаларда қўллаш А ва D гипервитаминозига олиб келиши мумкин.

А витамини юқори дозада қисқа муддат қўлланилганда А гипервитаминози симптомларига қоринда оғрик, анорексия, қусиш, кўришни бузилиши, бош оғриғи,

координирланмаган ҳаракатлар ва терини қизариши киради. А витамини юқори дозада узок муддат қўлланилганда тери кичишиши ва юпқалашиши, лабларни ёрилиши, конъюктива яллиғланиши, қўзни зарарланиши, бўғимларда оғриқ, сурункали бош оғриши ва кўп марта қусишга олиб келиши мумкин.

D витамини юқори дозада қўлланилганда намоён бўлиши мумкин бўлган D гипервитаминози симптомлари анорексия, тана вазнини камайиши, чарчок, дезориентация, қусиш, диарея ёки ич қотиши, оғизда метал таъми, оғиз шиллиқ қаватини қуриши ва чанқаш.

#### **Чиқарилиш шакли**

15 пастилкалар ПВХ/ПВДХ/ПВХ фольга ва алюмин фольга блистерда.

2 ёки 4 блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади.

#### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган хароратда, ёруғликдан ва намликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилиқ муддати**

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

#### **Ишлаб чиқарувчи**

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929,

Телефакс: +99871 150 1044